


Муштарак ниятлар ниҳоли экилди



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Президенти Режеп Тайип Эрдоған Кўксарой қароргоҳидаги Фахрий меҳмонлар хиёбонига кўчат ўтқазди.

Бу йил Ўзбекистон билан Туркия ўртасида дипломатик алоқалар йўлга қўйилганига 30 йил, Стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилганига 5 йил тўлди. Ушбу ниҳол ҳамкорлик ривожида янги давр бошланаётгани, муштарак эзгу ниятларнинг рамзи [бўлди](#).

Мазкур хиёбонда бошқа ҳамкор давлатлар раҳбарлари эккан дараҳтлар ҳам бор.

